

Мусулмонларнинг Мадинага ҳижрати



11:30 / 28.05.2020 1828

Мушрикларнинг тазйиқи остида қолган мусулмонлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳижратга изн сўрай бошладилар, чунки улар Ясрибда ўз диндошлари уларга ёрдам беришларини яхши билар эдилар. Ана шу пайтда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга ҳижрат диёрингиз ҳақида хабар берилди. У Ясрибдир. Ким чиқмоқчи бўлса, ўша ёққа йўлга чиқсин», дедилар. Баъзи мусулмонлар махфий равишда ҳижратга тайёрлана бошладилар.

Ясрибга биринчи бўлиб ҳижрат қилиб келган мусулмон Абу Салама ибн Абдулсад бўлди. Аслида у Иккинчи Ақаба байъатидан бир йил олдин ҳижрат қилган эди. Ундан кейин Омир ибн Рабийъа аёли билан келди. Унинг хотини Лайло бинт Абу Ҳасма биринчи аёл муҳожир бўлди. Сўнг бошқа саҳобалар ҳам бирин-кетин ўта махфий равишда Маккани тарк этиб, Ясрибга ҳижрат қила бошладилар.

Ясрибга исломнинг кириш омиллари

Ясрибга Исломнинг киришига сабаб бўлган ҳолат ва шароитларнинг энг муҳими қуйидагилардан иборат:

– Ясриб араблари самовий динларга энг яқин араблар бўлишган, чунки улар ўзлари билан қўшни бўлиб яшаётган яҳудийлардан кўп гапларни эшитишган эди.

- Мадина яҳудийлари арабларга таҳдид қилиб, охирзамон пайғамбарининг чиқишига оз қолганини, улар ўша пайғамбарга эргашиб, арабларни йўқ қилишларини айтишар эди. Шунинг учун Мадина араблари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишга шошилдилар.

«Ислом тарихи» биринчи китобидан